

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.06/2025.27.12.Tib.02.04 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ҒОФУРОВ ЗАРИФЖОН ИНОМЖОНОВИЧ

ҚИЗИЛЎНГАЧ АТРЕЗИЯСИ АНИҚЛАНГАН
ЧАҚАЛОҚЛАРДА АНЕСТЕЗИОЛОГИК ҲИМОЯ УСУЛЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

14.00.37 – Анестезиология ва реаниматология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

АНДИЖОН - 2026

**Тиббиёт фанлари буйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
медицинским наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
medical sciences**

Гофуров Зарифжон Иномжонович Қизилўнғач атрезияси аниқланган чақалоқларда анестезиологик ҳимоя усулларини такомиллаштириш.....	5
Гофуров Зарифжон Иномжонович Совершенствование методов анестезиологической защиты у новорожденных с атерзией пищевода.....	25
Gofurov Zarifjon Inomjonovich Improvement of anesthesiological protection methods in newborns with esophageal atresia.....	48
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	50

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.06/2025.27.12.Tib.02.04 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ҒОФУРОВ ЗАРИФЖОН ИНОМЖОНОВИЧ

ҚИЗИЛЎНГАЧ АТРЕЗИЯСИ АНИҚЛАНГАН ЧАҚАЛОҚЛАРДА
АНЕСТЕЗИОЛОГИК ҲИМОЯ УСУЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

14.00.37 – Анестезиология ва реаниматология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

АНДИЖОН– 2026

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2025.1.PhD/Tib3241 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Андижон давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.adti.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Тошбоев Шерзод Олимович
тиббиёт фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар: Юсупов Анвар Сабирджанович
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Хамраева Гулчеҳра Шахобовна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот: Республика Перинатал маркази

Диссертация ҳимояси Андижон давлат тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.06/2025.27.12.Tib.02.04 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2026 йил «___»_____куни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 170100, Андижон ш., Ю. Отабеков, 1. Тел.:+99874 223-94-60, e-mail: info@adti.uz).

Диссертация билан Андижон давлат тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 170100, Андижон ш., Ю. Отабеков кўчаси, 1-уй. Тел.: +99874 223-94-60.)

Диссертация автореферати 2026 йил «___»_____ куни тарқатилди. (2026 йил «___»_____даги _____-рақамли реестр баённомаси).

А. Ш. Арзикулов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Г. М. Ахмадждонова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

О. А. Якубова

Илмий даражаларни берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Қизилўнғач атрезияси (ҚА) чақалоқларда учрайдиган энг оғир туғма ривожланиш нуқсонларидан бири бўлиб, ҳар 3000-5000 тирик туғилган чақалоқдан биттасида аниқланади ва шошилини жарроҳлик аралашувни талаб қилади. Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра «...ҳар йили 303 000 нафар чақалоқ туғма ривожланиш нуқсонлари туфайли ҳаётининг биринчи 4 ҳафтасида вафот этади, неонатал ўлимнинг қарийб 10 фоизи эса айнан туғма ёки орттирилган хирургик касалликлар ҳиссасига тўғри келади...»¹. ҚА билан туғилган чақалоқларда операция стрессига нейроэндокрин жавобнинг кескин ифодаланганлиги, юрак-қон томир тизимининг функционал заифлиги ҳамда опиоидларнинг респиратор депрессив таъсирига юқори сезувчанлик анестезиологик таъминот сифатини белгиловчи ҳал қилувчи омиллардан ҳисобланади. Анестезиологик ҳимоянинг етарли эмаслиги эса операциядан кейинги асоратлар, узоқ муддатли сунъий ўпка вентилизацияси эҳтиёжи ва эрта неонатал ўлимнинг асосий детерминантларидан бири бўлиб қолмоқда.

Жаҳон анестезиология амалиётида сўнгги ўн йилликда неонатал жарроҳликда мультимодал анестезия ва опиоид-тежамкор ёндашувларнинг жорий этилиши, ультратовуш навигацияси остидаги регионар блокадалар, жумладан Erector Spinae Plane (ESP) блокадасининг кенг тарқалиши анестезиологик таъминот сифатини жиддий равишда яхшилашга хизмат қилмоқда. Шу билан бирга, тез тикланишга қаратилган ERAS (Enhanced Recovery After Surgery) протоколи жарроҳлик амалиётига босқичма-босқич кириб келиб, периоператив бошқарувни оптималлаштириш, стресс-реакцияни чеклаш ва постоператив асоратларни камайтириш имконини бермоқда, бунда мультимодал аналгезия, эрта экстубация ва минимал инвазив қўллаб-қувватловчи ёндашувлар устувор аҳамият касб этмоқда. Шунга қарамай, чақалоқлар торакал жарроҳлигида регионар анестезиянинг қўлланилиш кўлами, техник хавфсизлиги ва клиник самарадорлигини баҳолашга доир стандартлаштирилган тавсияномалар ҳамон шаклланиш босқичида. ESP-блокадасининг ҚА бўйича эзофагопластика амалиётида қўлланилиши, унинг гемодинамик барқарорликка, нейроэндокрин стресс-жавобга ҳамда узоқ муддатли яшовчанлик кўрсаткичларига таъсирини далилларга асосланган тарзда баҳолаш муҳим илмий вазифа бўлиб қолмоқда.

Мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш доирасида она ва бола саломатлигини таъминлаш, чақалоқлар ўлимини камайтириш, туғма нуқсонларни эрта ташхислаш ва юқори технологик жарроҳлик ёрдамини кенгайтириш бўйича изчил

¹Birth defects surveillance: a manual for programme managers, second edition. Geneva: WHO; 2020.

ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, чақалоқлар хирургияси ва анестезиологиясида замонавий ёндашувларни амалиётга кенг жорий этиш, уларнинг самарадорлигини баҳолаш ва ягона клиник ёндашувларни шакллантириш масалалари тўлиқ ҳал этилмаган. Бу ҳолат амалиётда опиоидга боғлиқ анестезия устунлигининг сақланишига ва шу билан боғлиқ асоратлар хавфининг юқори бўлиб қолишига олиб келмоқда. «Ўзбекистон-2030» стратегиясининг аҳоли саломатлигини таъминлаш бўйича ислоҳотларини таъминлашда «...гўдаклар ва беш ёшгача бўлган болалар орасидаги ўлимни 2 баробарга камайтириш...»² вазифалари белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга ошириш қизилўнгач атрезияси билан туғилган чақалоқларда периоператив бошқарувни такомиллаштириш, асоратлар ва леталликни камайтириш ҳамда неонатал жарроҳликда замонавий анестезиологик ёндашувларни шакллантириш имконини беради, шунингдек туғма нуқсонлар туфайли келиб чиқувчи ногиронликни камайтириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 19 майдаги ПФ-88-сон «Республикада соғлиқни сақлаш тизимини ва аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш тамойилларини такомиллаштириш орқали соҳани ислоҳ қилишни изчил давом эттириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 25 декабрдаги «2018-2022 йилларда болаларда туғма ва ирсий касалликларни барвақт аниқлаш Давлат Дастури» тўғрисидаги ПҚ 3440-сон ва 2023 йил 8 сентябрдаги ПҚ-296-сон «Оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон миқёсида анестезиологиянинг замонавий босқичида, жумладан болалар анестезиологиясида мультимодал ва опиоид-тежамкор стратегияларнинг жорий этилиши, ультратовуш навигацияси остидаги регионар блокадалар, жумладан ESP-блокадасининг қўлланилиши анестезиологик ҳимоя сифатини янги босқичга олиб чиқмоқда (De Cassai A. et al., 2020; Kendigelen P. et al., 2022; Aksu C. et al., 2024). Шунингдек, чақалоқларда қизилўнгач атрезиясини даволаш бўйича сўнгги ўн йилликларда сезиларли ютуқларга эришилган бўлса-да, ушбу патология билан боғлиқ ўлим кўрсаткичи ҳали ҳам долзарб муаммо

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ-158-сон «Ўзбекистон-2030» стратегияси тўғрисидаги Фармони. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 12.09.2023 й.

бўлиб қолмоқда. Турли муаллифлар маълумотларига кўра, қизилўнгач атрезиясида леталлик даражаси 10-40% атрофида сақланиб қолмоқда, ҳамроҳ туғма нуқсонли ва чала туғилган чақалоқларда эса бу кўрсаткич янада юқорилиги қайд этилган (Sulkowski J.P. et al., 2024; Friedmacher F. et al., 2021; Spaggiari E. et al., 2019). Халқаро адабиётларда ESP-блокадасининг катта ёшли беморлар ва катта ёшдаги болалардаги самарадорлиги яхши ёритилган бўлса-да, неонатал популяцияда, айниқса қизилўнгач атрезияси бўйича торакотомия шароитида унинг гемодинамик кўрсаткичларга, нейроэндокрин стресс-жавобга, постоператив оғриққа ва яшовчанликка таъсири етарли даражада тизимли ўрганилмаган (Rauseo M. et al., 2022; Martin L.D. et al., 2022; Graff V., Gabutti L., 2023). Айрим муаллифлар мультимодал анестезиянинг экстубация муддати, сунъий ўпка вентилляцияси давомийлиги ва вентиллятор-ассоциацияланган асоратлар частотасига ижобий таъсирини қайд этган бўлса-да, мазкур йўналишдаги далиллар ҳозирча етарли даражада тўпланмаган ва тизимли равишда умумлаштирилмаган (Kuratani N., 2015; McCann M.E., Soriano S.G., 2019; Ivani G. et al., 2021).

МДХ давлатлари ва Россия Федерациясида чақалоқларда қизилўнгач атрезиясини даволашга бағишланган қатор тадқиқотлар бажарилган бўлиб, уларда ушбу патологияни жарроҳлик даволаш ва интенсив терапия тактикаларини такомиллаштириш масалалари ёритилган (Разумовский А.Ю., 2021; Козлов Ю.А., 2021; Захаров А.И., 2020; Иванов Д.О., 2022). Бироқ ушбу муаллифлар ва бошқа тадқиқотчиларнинг маълумотларига кўра, клиник амалиётда ҳали ҳам қатор ташкилий, техник ва анестезиологик муаммолар ечимини тўлиқ топмаган. Айрим кузатувларда қизилўнгач атрезияси туфайли ўлим кўрсаткичининг юқорилиги чала туғилган, паст тана вазнли ва ҳамроҳ соматик касалликлари бўлган чақалоқларда учраши таъкидланган (Афуков И.И., 2022; Козлов Ю.А., Новожилов В.А. ва ҳаммуал., 2021; Иванов Д.О., Соколов А.А. ва ҳаммуал., 2022). Айниқса ҳамроҳ келган соматик касалликлари бор чақалоқларда бу нуқсонни бартараф қилишда қийинчиликлар юзага келади. Ҳамроҳ келувчи соматик касалликларнинг энг кўп хиссаси аспирацион пневмонияларга тўғри келади (Ахунзянов А.А. 2022; Захаров А.И., Пучков К.В. ва ҳаммуал., 2022). Бундан ташқари, ҚА қарийиб 50% ҳолларда қўшимча анатомик аномалиялар билан бирга учрайди. Юрак-қон томир, сийдик-таносил, ҳазм тизимлари, таянч-ҳаракат аппарати, шунингдек марказий асаб тизими нуқсонлари мос равишда 35%, 24%, 24%, 13% ва 10% ҳолларда учрайди, 36% ҳолларда ҚА нинг оқмали тури VACTERL-синдромининг таркибий қисми сифатида намоён бўлади (Козлов Ю.А. 2024, Разумовский А.Ю., Левицкий А.В. ва ҳаммуал., 2025). Нейрофизиологик тадқиқотлар асосида чақалоқларда оғриқ сезиш тўлиқ шаклланганлиги исботланган бўлса-да, неонатал беморларда регионар

анестезия усуллари қўллаш ҳануз чекланган бўлиб, амалиётда асосан опиоидлар ва ингаляцион анестетикларга таянган ёндашувлар сақланиб қолмоқда (Robinson S., Gregory G.A., 2021; Anand K.J.S. et al., 2021).

Ўзбекистонда чақалоқлар қизилўнгач атрезиясини ташхислаш, хирургик даволаш ва интенсив терапияга бағишланган илмий тадқиқотлар мавжуд бўлиб, улар ушбу патологиянинг клиник кечиши, жарроҳлик тактикаси ва реанимацион ёрдам масалаларини ёритган (Эргашев Б.Б., Эшқобилов Ш.Д., 2016; Ажимаматов Х.Т., Тошбоев Ш.О., 2023). Шу билан бирга, чақалоқлар анестезиологиясида замонавий мультимодал ва регионар анестезия усуллари қўллаш имкониятлари чекланган ҳолда сақланиб қолмоқда, уларнинг клиник самарадорлигини қиёсий баҳолаш ва ягона далилларга асосланган ёндашувларни шакллантиришга бағишланган ишлар етарли эмас. Айниқса қизилўнгач атрезияси бўйича эзофагопластика операцияларида регионар анестезия, жумладан ультратовуш навигацияли регионар блокадаларнинг интра- ва постоператив даврда гемодинамикага, оғриқни бошқаришга, респиратор тикланишга ва яшовчанлик кўрсаткичларига таъсирини комплекс ўрганишга бағишланган тадқиқотлар амалда мавжуд эмас. Шу сабабли мазкур анестезиологик ёндашувнинг клиник самарадорлигини асослаш, унинг неонатал анестезиология амалиётидаги ўрнини белгилаш ва периоператив бошқарувни оптималлаштиришга қаратилган илмий изланишлар долзарб аҳамият касб этади. Юқорида келтирилган ҳолатлар мазкур тадқиқотнинг мақсад ва вазифаларини белгилашга асос бўлди.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Андижон давлат тиббиёт институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №19600714-сон «Болаларда туғма нуқсонлар диагностикаси ва даволашда янги технологияларни ишлаб чиқиш» илмий тадқиқот йўналиши доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади қизилўнгач атрезияси билан туғилган чақалоқлар хирургик амалиётида регионар анестезия усуллари қўллаш орқали анестезиологик таъминот сифатини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

қизилўнгач атрезияси билан туғилган чақалоқларда операциядан олдинги клиник-лаборатор ҳолатини комплекс баҳолаш ва гомеостаз бузилишларининг хавф омилларини аниқлаш;

чақалоқларда қизилўнгач атрезияси бўйича ўтказиладиган операциялар анестезиологик таъминотида ультратовуш навигацияли парааксиал ESP-блокаданинг интраоператив гемодинамик

кўрсаткичларга ва нейроэндокрин стресс-жавобга таъсирини баҳолаш;
ESP-блокада қўлланилган мультимодал анестезия услубининг постоператив даврда оғриқсизлантириш самарадорлиги, экстубация муддати, сунъий ўпка вентиляциясига эҳтиёж ва респиратор тикланишга таъсирини аниқлаш;

қўлланилган анестезиологик ёндашувларнинг яшовчанлик кўрсаткичларига таъсирини қиёсий баҳолаш асосида қизилўнгач атрезияси билан туғилган чақалоқларда оптимал анестезиологик ҳимояни танлаш имконини берувчи тактик ёндашувларни асослаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2015 - 2024 йилларда Андижон вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказида ҚА билан ўтказилган операцияларда анестезия ўтказилган 91 нафар чақалоқлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида болаларда ҚА бўйича ўтказилган операцияларнинг анестезиологик таъминотида мультимодал анестезия компоненти сифатида ультратовуш навигацияли периоператив ва муддатли ESP-блокада усуллари самарадорлигини қиёсий таҳлил қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда клиник-анамнестик, умумклиник, лаборатор, инструментал ва статистик таҳлил усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

қизилўнгач атрезияси билан туғилган чақалоқларда ультратовуш навигацияли ESP-блокада қўлланилган мультимодал анестезия интраоператив даврда гемодинамик барқарорликни таъминлаш, шунингдек салбий гемодинамик ўзгаришларни камайтириш билан намоён бўлувчи анестезиологик ҳимоя самарадорлиги исботланган;

ультратовуш навигацияли ESP-блокада асосидаги мультимодал анестезия интраоператив даврда симпатоадренал гиперреакцияни чеклаб, опиоид ва ингалицион анестетикларга бўлган эҳтиёжни сезиларли қисқартириши, шу билан бирга глюкоза ва кортизол динамикасидаги ижобий динамика орқали «иккиёқлама тежамкорлик» ва нейроэндокрин антистресс ҳимоя самарасини таъминлаши тасдиқланган;

ESP-блокада қўлланилган шароитда постоператив оғриқ синдроми эрта босқичда назоратга олиниб, унинг давомийлиги қисқариши, опиоидларга эҳтиёж камайиши ва қисқа муддатда опиоидсиз аналгезияга эришилиши таъминланган ҳамда NIPS-M шкаласининг кортизол ва аналгетик эҳтиёж билан узвий боғлиқлиги орқали унинг клиник ва прогностик аҳамияти исботланган;

қизилўнгач атрезияси бўйича ўтказилган операциялар анестезиологик таъминотида ультратовуш навигацияли ESP-блокадани ўз ичига олган мультимодал анестезиологик ёндашувнинг эрта экстубациялар хиссасини ошириши, механик вентиляция давомийлигини камайтириши, постоператив асоратланиш сонини

камайтириши ва яшовчанлик кўрсаткичларини яхшилаши орқали клиник самарадорлиги, шунингдек летал оқибатларни камайтирувчи мустақил ҳимоя омили сифатидаги клиник аҳамияти исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

қизилўнгач атрезияси билан туғилган чақалоқларда эзофагопластика операцияларида мультимодал анестезия таркибида Th4-Th5 кўкрак умуртқалари даражасида ультратовуш навигацияли парааксиал ESP-блокада усули таклиф қилинган бўлиб, ушбу ёндашув доирасида умуртқани тўғриловчи мушак ости бўшлиғини катетерлаш орқали периоператив даврда регионар аналгезияни узлуксиз таъминлаш имкони яратилган. Механик вентилизациядаги чақалоқларда постоператив оғриқни объектив баҳолаш учун модификацияланган NIPS-M шкаласи жорий этилган ва унинг умумий балли асосида аналгетик аралашув вақтини белгилаш тартиботи таклиф қилинган. Мазкур усул ва ёндашувларнинг техник жиҳатдан соддалиги ва хавфсизлиги билан бирга, ноцицептив импульсларни периферик даражада чеклаши орқали оғриқни самарали бошқариш, опиоидларга бўлган эҳтиёжни камайтириш ва анестезиологик ҳимоя сифатини оширишга хизмат қилиши асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, материалнинг етарли даражадалиги, шунингдек, текширилган беморлар сони етарлилиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган умумклиник, лаборатор, инструментал ва статистик тадқиқот усуллари асосланганлиги, тадқиқот натижаларининг халқаро ва маҳаллий тадқиқотлар билан таққосланганлиги, хулоса ва олинган натижаларининг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти қизилўнгач атрезияси билан туғилган чақалоқларда анестезиологик ҳимояни комплекс баҳолаш имконияти яратилганлиги, ESP-блокада орқали гемодинамик ва нейроэндокрин барқарорликни таъминлаш механизми асослаб берилганлиги ҳамда оғриққа нисбатан ноцицептив жавобни объектив баҳолаш имкониятлари исботланганлиги билан изоҳланади. Шунингдек, ESP-блокада таъсирида ноцицептив импульсларнинг периферик даражада чекланиши орқали симпатoadренал фаолликнинг пасайиши ва стресс-индуцирланган ўзгаришларнинг олдини олиш механизми изоҳланиб, «превентив аналгезия» концепциясининг патофизиологик асослари очиб берилганлиги жараёнларни комплекс баҳолаш учун янги илмий қарашларни шакллантиради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, қизилўнгач

атрезияси бўйича эзофагопластика операцияси ўтказиладиган чақалоқларда ультратовуш навигацияли парааксиал ESP-блокаданинг мультимодал анестезия компоненти сифатида қўлланилиши опиоид ва ингаляцион анестетикларга бўлган эҳтиёжни камайтириш, постоператив оғриқни самарали назорат қилиш, эрта экстубацияни таъминлаш, сунъий ўпка вентиляцияси давомийлиги ҳамда реанимация бўлимида ётиш муддатини қисқартириш ва вентилятор-ассоциацияланган асоратлар сонини камайтириш орқали клиник натижаларни яхшилаш ва эрта неонатал ўлим кўрсаткичини камайтириш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши: ҚА аниқланган чақалоқлар анестезиологик таъминот натижаларини яхшилашга бағишланган тадқиқот бўйича олинган натижалар асосида:

биринчи илмий янгилик: қизилўнгач атрезияси билан туғилган чақалоқларда ультратовуш навигацияли ESP-блокада қўлланилган мультимодал анестезия интраоператив даврда гемодинамик барқарорликни таъминлаш, шунингдек салбий гемодинамик ўзгаришларни камайтириш билан намоён бўлувчи анестезиологик ҳимоя самарадорлиги исботланганлиги Андижон давлат тиббиёт институти Эксперт кенгаши томонидан 2025 йил 27 январдаги б1-5/и-сон билан тасдиқланган “Чақалоқлар эзофагопластикасида ультратовушли парааксиал ESP-блокада усули” номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: ушбу янгилик Наманган вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг 2025 йил 29 январдаги 15-сон ва Фарғона вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг 2025 йил 4 февралдаги 12-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2025 йил 8 сентябрдаги 23/38-сон хулосаси).

Илмий янгилик натижаларининг ижтимоий самарадорлиги: интраоперацион даврда юрак-қон томир тизимининг барқарорлиги ва салбий гемодинамик тебранишларнинг бартараф этилиши чақалоқларда миокард ишемияси, ишемик-гипоксик энцефалопатия ва перфузион бузилишлар хавфини камайтиради, бу ҳолат неонатал даврда ҳаётий муҳим аъзолар фаолиятини асраш, марказий асаб тизимининг физиологик ривожланишини таъминлашга хизмат қилади. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги: анъанавий тотал вена ичи анестезияси шароитида интраоперацион гемодинамик тебранишларни бартараф этиш учун қўшимча вазопрессорлар (добутамин, допамин) ва волюмик қўллаб-қувватлаш талаб қилиниб, бир бемор ҳисобида ўртача қўшимча фармакологик юклама харажати қуйидагича ҳисобланади: $S_{\text{ваз}} = D_{\text{ваз}} \times T_{\text{ваз}} \times P_{\text{ваз}} = 0,65 \times 4 \text{ соат} \times 42 \text{ 000 сўм} = 109 \text{ 200 сўм}$, бу ерда $D_{\text{ваз}}$ - вазопрессор талаб этиш улуши (назорат гуруҳида 0,65; асосий гуруҳида 0,08), $T_{\text{ваз}}$ - ўртача инфузия

давомийлиги, Рваз – нарх/соат. Гуруҳлараро фарқ: $\Delta C_{\text{ваз}} = (0,65-0,08) \times 4 \times 42\,000 = 95\,760$ сўм/бемор. Инотроп препаратлар ва қўшимча мониторинг сарфини ҳам ҳисобга олганда умумий тежамкорлик бир бемор ҳисобида 142 000 сўми ташкил этади. Тадқиқот кўлами (n=91) бўйича умумий иқтисодий самара: Сумумий=142 000×91=12 922 000 сўм иқтисод қилиш имконини берган. Хулоса: ESP-блокада асосидаги мультимодал анестезия интраоперацион гемодинамик барқарорликни таъминлаб, чақалоқларда ҳаётини муҳим аъзолар перфузиясини асрайди ҳамда тадқиқот кўламида 12 922 000 сўмлик иқтисодий тежамкорликни таъминлайди.

Иккинчи илмий янгилик: ультратовуш навигацияли ESP-блокада асосидаги мультимодал анестезия интраоператив даврда симпатоадренал гиперреакцияни чеклаб, опиоид ва ингаляцион анестетикларга бўлган эҳтиёжни сезиларли қисқартириши, шу билан бирга глюкоза ва кортизол динамикасидаги ижобий динамика орқали «иккиёқлама тежамкорлик» ва нейроэндокрин антистресс ҳимоя самарасини таъминлаши тасдиқланганлиги Андижон давлат тиббиёт институти Эксперт кенгаши томонидан 2025 йил 27 январдаги бi-5/и-сон билан тасдиқланган “Чақалоқлар эзофагопластикасида ультратовушли парааксиал ESP-блокада усули” номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: ушбу янгилик Наманган вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг 2025 йил 29 январдаги 15-сон ва Фарғона вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг 2025 йил 4 февралдаги 12-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2025 йил 8 сентябрдаги 23/38-сон хулосаси).

Илмий янгилик натижаларининг тиббий-ижтимоий самарадорлиги: қизилўнгач атрезияси билан туғилган чақалоқларда ультратовуш навигацияли парааксиал ESP-блокада асосидаги мультимодал анестезияни қўллаш интраоператив ва постоператив даврда ноцицептив стрессни самарали чеклаш, оғриқни эрта назоратга олиш, эрта экстубация улушини ошириш, сунъий ўпка вентиляциясига боғлиқликни камайтириш ҳамда респиратор асоратлар частотасини пасайтириш имконияти билан белгиланади. Ушбу ёндашув чақалоқларда эрта неонатал даврда ҳаётини муҳим функцияларнинг физиологик тикланишини тезлаштириб, реанимация ва стационар босқичдаги даволаш жараёнини енгиллаштиради, шунингдек яшовчанлик кўрсаткичларини яхшилашга хизмат қилади. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги: мультимодал анестезия таркибида ESP-блокада қўлланилиши дори воситалари сарфининг камайиши ва интенсив терапия ресурсларидан фойдаланишнинг оптималлашиши орқали иқтисодий жиҳатдан мақбул эканлиги аниқланди. Интраоператив ва постоператив

босқичларда фентанил ҳамда севофлуран сарфининг камайиши ҳисобига бир беморга тўғри келадиган дори тежамкорлиги қуйидаги формула асосида ҳисобланди: $\Delta C_{\text{дори}} = (\Delta C_{\text{фн.ио}} + \Delta C_{\text{фн.по}} + \Delta C_{\text{сев}}) - CESP$; бу ерда интраоператив фентанил тежамкорлиги $\Delta C_{\text{фн.ио}} = 54\,540$ сўм, постоператив тежамкорлик $\Delta C_{\text{фн.по}} = 68\,400$ сўм, севофлуран бўйича тежамкорлик $\Delta C_{\text{сев}} = 6\,336$ сўм ва ESP-блокада учун қўшимча харажат $CESP = 27\,500$ сўмни ташкил этди. Натижада бир беморга тўғри келадиган соф иқтисодий самара: $\Delta C_{\text{дори}} = 54\,540 + 68\,400 + 6\,336 - 27\,500 = 101\,776$ сўмга тенг бўлди. Шу билан бирга, эрта экстубация ва сунъий ўпка вентилляцияси давомийлигининг камайиши реанимация бўлимида ётиш муддатини қисқартирди, бу эса қўшимча ресурс тежамкорлигини таъминлади. Масалан, АРИТда ётиш муддатининг қисқариши ҳисобига иқтисодий самара қуйидаги тарзда ифодаланди: $E_1 = (t_1 - t_2) \times C$; бу ерда t_1 ва t_2 - назорат ва асосий гуруҳлардаги ўртача ётиш муддати, C - бир кунлик реанимация харажати. Қўшимча равишда, респиратор асоратлар частотасининг камайиши интенсив терапия ва қўшимча даволаш харажатларини қисқартиришга хизмат қилди, бу эса иқтисодий самарани $E_2 = C_{\text{асорат}} \times \Delta P$ формуласи орқали баҳолаш имконини берди, бу ерда $C_{\text{асорат}}$ - асоратни даволаш қиймати, ΔP - асоратлар частотасидаги камайиш улуши. Натижада умумий иқтисодий самара: $E_{\text{умумий}} = \Delta C_{\text{дори}} + E_1 + E_2$ кўринишида ифодаланиб, тадқиқот қамровида ($n=91$) қўлланилганда жами иқтисодий тежамкорлик: $E_{\text{умумий}} = 101\,776 \times 91 = 9\,261\,616$ сўмни ташкил этди. Хулоса: ESP-блокада асосидаги мультимодал анестезия нафақат клиник натижаларни яхшилади, балки дори сарфи ва интенсив терапия ресурсларини оптималлаштириш орқали умумий даволаш харажатларини камайитириш имконини берган.

учинчи илмий янгилик: ESP-блокада қўлланилган шароитда постоператив оғриқ синдроми эрта босқичда назоратга олиниб, унинг клиник аҳамиятли давомийлиги бир неча баробарга қисқариши, опиоидларга эҳтиёж камайиши ва қисқа муддатда опиоидсиз аналгезияга эришилиши таъминлангани аниқланган ҳамда NIPS-M шкаласининг кортизол ва аналгетик эҳтиёж билан узвий боғлиқлиги орқали унинг клиник ва прогностик аҳамияти исботланганлиги Андижон давлат тиббиёт институти Эксперт кенгаши томонидан 2025 йил 27 январдаги 61-5/у-сон билан тасдиқланган “Чақалоқлар эзофагопластикасида ультратовушли парааксиал ESP-блокада усули” номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: ушбу янгилик Наманган вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг 2025 йил 29 январдаги 15-сон ва Фарғона вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг 2025 йил 4 февралдаги 12-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2025 йил 8 сентябрдаги 23/38-сон хулосаси).

Илмий янгилик натижаларининг тиббий самарадорлиги NIPS-M шкаласининг амалиётга жорий этилиши механик вентиляция шароитидаги чақалоқларда постоператив оғриқни объектив, стандартлаштирилган ва динамик кузатувга мос усулда баҳолаш имконини бериши билан белгиланади. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги: NIPS-M шкаласи асосида постоператив оғриқни объектив баҳолаш ва ESP-блокада шароитида уни мақсадли бошқаришнинг иқтисодий самарадорлиги фармакологик юклама ҳамда қўшимча сарф материаллари эҳтиёжининг комплекс қисқариши билан белгиланади. Бунда умумий иқтисодий самара постоператив даврда қўлланилган опиоид, қўшимча аналгетик ва седатив препаратлар ҳамда мониторинг билан боғлиқ сарфларнинг йиғинди фарқи орқали баҳоланди. Ушбу муносабат қуйидаги ифода билан белгиланди: $\Delta C_{\text{сум}} = \Delta C_{\text{сопио}} + \Delta C_{\text{спар}} + \Delta C_{\text{сибу}} + \Delta C_{\text{сед}} + \Delta C_{\text{смат}}$; бу ерда $\Delta C_{\text{сум}}$ -бир беморга тўғри келадиган умумий иқтисодий тежамкорлик, $\Delta C_{\text{сопио}}$ -опиоидлар сарфининг камайиши, $\Delta C_{\text{спар}}$ - парацетамол бўйича тежамкорлик, $\Delta C_{\text{сибу}}$ - ибупрофен бўйича тежамкорлик, $\Delta C_{\text{сед}}$ - седатив воситалар сарфининг қисқариши, $\Delta C_{\text{смат}}$ - сарф материаллари бўйича тежамкорликни ифодалайди. Постоператив 3 суткалик даврда опиоид харажати опиоид дозаси, ўртача тана вазни ва препарат нархи кўпайтмаси йиғиндиси орқали ҳисобланди: $C_{\text{сопио}} = \sum(D_{\text{сут}} \times m \times P)$. Шунга кўра, назорат гуруҳида опиоид харажати $C_{\text{сопио}_1} = (4,2 + 2,8 + 1,4) \times 0,5 \times 18000 = 75600$ сўм, асосий гуруҳда эса $C_{\text{сопио}_2} = (0,6 + 0,2 + 0,0) \times 0,5 \times 18000 = 7200$ сўмни ташкил этди. Демак, опиоидлар бўйича иқтисодий самара $\Delta C_{\text{сопио}} = C_{\text{сопио}_1} - C_{\text{сопио}_2} = 75600 - 7200 = 68400$ сўм/беморга тенг бўлди. Қўшимча ноопиоид аналгетиклар сарфи ҳам шунга мос равишда қисқарди. Седатив препаратлар сарфидаги фарқ постоператив седация давомийлигининг қисқариши билан белгиланди ва қуйидаги формула билан ифодаланди: $\Delta C_{\text{сед}} = (T_1 - T_2) \times P_{\text{сед}}$, бу ерда T - седация давомийлиги, $P_{\text{сед}}$ - бир соатлик шартли харажат. Ҳисоблаш натижасига кўра, $\Delta C_{\text{сед}} = (38 - 9) \times 8400 = 243600$ сўм/бемор бўлди. Шу билан бирга, перфузор картриджлари, шприцлар ва қўшимча оғриқ мониторинги учун сарфланадиган материаллар бўйича тежамкорлик ҳам қайд этилди ва у $\Delta C_{\text{смат}} = 32000$ сўм/беморни ташкил этди. Барча компонентлар йиғиндиси асосида постоператив оғриқсизлантириш бўйича умумий иқтисодий самара $\Delta C_{\text{сум}} = 68400 + 116000 + 128000 + 243600 + 32000 = 588000$ сўм/бемор эканлиги аниқланди. Ушбу кўрсаткични тадқиқот қамровига татбиқ этиш учун умумий иқтисодий самара $E_{\text{ум}} = 588000 \times 91 = 53508000$ сўмни ташкил қилди.

тўртинчи илмий янгилик: қизилўнғач атрезияси бўйича ўтказилган операциялар анестезиологик таъминотида ультратовуш навигацияли ESP-блокадани ўз ичига олган мультимодал анестезиологик ёндашувнинг эрта экстубациялар хиссасини ошириши,

механик вентиляция давомийлигини камайтириши, постоператив асоратланиш сонини камайтириши ва яшовчанлик кўрсаткичларини яхшилаши орқали клиник самарадорлиги, шунингдек летал оқибатларни камайтирувчи мустақил ҳимоя омили сифатида аҳамияти исботланганлиги Андижон давлат тиббиёт институти Эксперт кенгаши томонидан 2025 йил 27 январдаги бi-5/и-сон билан тасдиқланган “Чақалоқлар эзофагопластикасида ультратовушли парааксиал ESP-блокада усули” номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: ушбу янгилик Наманган вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг 2025 йил 29 январдаги 15-сон ва Фарғона вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг 2025 йил 4 февралдаги 12-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2025 йил 8 сентябрдаги 23/38-сон хулосаси).

Илмий янгилик натижаларининг тиббий-ижтимоий самарадорлиги: ESP-блокада асосидаги мультимодал анестезиянинг клиник устунлиги чақалоқларда эрта экстубация улушини ошириш, сунъий ўпка вентиляцияси давомийлигини қисқартириш ҳамда вентилятор-ассоциацияланган пневмония ва реинтубация каби жиддий асоратларни сезиларли камайтириш орқали эрта неонатал ўлим кўрсаткичини 1,5 баробарга камайтириш имконини беради. Илмий янгилик натижаларининг иқтисодий самарадорлиги: ESP-блокада асосидаги мультимодал анестезиянинг иқтисодий самарадорлиги реанимация босқичида ресурслардан фойдаланишнинг оптималлашиши ва умумий даволаш харажатларининг қисқариши билан белгиланади. Хусусан, реанимация бўлимида ётиш муддатининг қисқариши ҳисобига тежамкорлик $\Delta \text{Сарит} = (\text{Дарит}_1 - \text{Дарит}_2) \times \text{Тарит} = (11,2 - 4,6) \times 110\ 000 = 726\ 000$ сўм/беморни ташкил қилди, бу ерда Дарит - АРИТда ётиш кунлари, Тарит - бир койко-кун қиймати. Ушбу кўрсаткич ESP-блокада шароитида интенсив терапия ресурсларига бўлган эҳтиёж сезиларли камайганини кўрсатади. Постоператив асоратлар бўйича харажатлар ҳам алоҳида баҳоланди. Вентилятор-ассоциацияланган пневмония частотасининг камайиши $\Delta \text{Свап} = (f_1 - f_2) \times \text{Скурс} = (0,296 - 0,054) \times 558\ 000 = 135\ 036$ сўм/бемор (бу ерда f - асоратлар частотаси, Скурс - даволаш курси қиймати), реинтубациялар улушининг камайиши ҳисобига: $\Delta \text{Среинт} = (0,130 - 0,027) \times 288\ 000 = 29\ 664$ сўм/бемор иқтисодий тежамкорлик таъминланди. Умумий даволаш харажатлари қиёсий таҳлилида назорат ва асосий гуруҳлар ўртасидаги фарқланишга кўра анъанавий анестезияга нисбатан мультимодал ESP-блокада шароитида даволаш 1,43 марта арзонроқ амалга оширилган. Яшовчанлик кўрсаткичлари билан боғлиқ инкрементал самарадорлик кўрсаткичи: $\text{ICER} = (\text{TC}_2 - \text{TC}_1) / (E_2 - E_1) = -810\ 600 / 19,0 = -42\ 663$ сўм/%,

манфий қийматга эга бўлиши ESP-блокада асосидаги ёндашувнинг «доминант стратегия» эканини, яъни бир вақтнинг ўзида ҳам арзонроқ, ҳам самаралироқ усул эканини кўрсатади. Тадқиқот кўлами бўйича умумий иқтисодий самара: $\text{Сумум} = \Delta TC \times n = 810\,600 \times 91 = 73\,764\,600$ сўм ни ташкил этди. Хулоса: ESP-блокада асосидаги мультимодал анестезия реанимация ресурслари сарфини камайтириши ва клиник устунлик билан бир қаторда фармакоэкономик доминантликни ҳам таъминлаб, чақалоқларда қизилўнгач атрезияси бўйича анестезиологик таъминотнинг стандарт протоколига киритилишга тўлиқ асос яратади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 11 та илмий иш нашр этилган, шу жумладан 5 та мақола, улардан 3 та республика ва 2 та халқаро журналларда, барчаси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 133 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ ТАРКИБИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида олиб борилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Чақалоқлар эзофагопластикасида анестезиологик таъминотнинг замонавий талқини: глобал тажриба ва маҳаллий ёндашувлар»** деб номланган биринчи бобида қизилўнгач атрезиясининг эпидемиологияси, этиологияси, патогенези ва замонавий таснифи, чақалоқларда физиологик етилмаганлик ва унинг анестезиологик хавф омилларига таъсири ҳамда неонатал анестезиянинг фармакологик асослари ёритилган. Шунингдек, қизилўнгач атрезияси жарроҳлигида анестезиологик тактика ва интенсив терапия хусусиятлари, мультимодал оғриқсизлантиришда ультратовуш-назоратли регионар блокадаларнинг ўрни ҳамда

педиатрик анестезиология амалиётида кўкрак девори фасциал юзаси блокадаларининг клиник аҳамиятини белгиловчи янги технологиялари бўйича замоновий нуқтаи-назарлар баён қилинган, ҚА да операциядан кейинги асоратлар профилактикаси, шунингдек анестезиологик таъминот истиқболлари бўйича илмий маълумотлар чуқур таҳлил қилинган, танқидий баҳоланган, умумлаштирилган ва тизимлаштирилган, ечимини топиши лозим бўлган долзарб масалалар ўрганилган, адабиётлар таҳлиliga кўра бу муаммо бўйича ечилмаган вазифалар белгиланган.

Диссертациянинг «Тадқиқот материали ва усуллари» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот объекти ва усулларини тавсифлашга бағишланган. Тадқиқот Андижон вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази реанимация ва интенсив терапия бўлими базасида 2015-2024 йиллар давомида ўтказилиб, қизилўнғач атрезияси ташхиси қўйилган ва эзофагопластика операцияси бажарилган 91 нафар чақалоқни қамраб олган (1-жадвал).


1-жадвал

Тадқиқот гуруҳларидаги чақалоқларнинг асосий кўрсаткичлари
(abs,%, M±m)

№	Асосий кўрсаткичлар	Асосий гуруҳ (n=37)		Назорат гуруҳи (n=54)		Жами (n=91)	
		абс	%	абс	%	абс	%
1	Ўғил болалар	16	43,2	31	57,4	47	51,6
2	Қиз болалар	21	56,8	23	42,6	44	48,4
5	Етук туғилганлар	31	83,8	30	55,6	61	67,0
6	Чала туғилганлар	6	16,2	24	44,4	30	33,0
7	Ўртача тана вазни, гр	2,73±0,77		2,31±0,86		2,48±0,85	
8	Гестация муддати, ҳафта	38,4±2,03		36,7±3,22		37,4±2,91	

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, барча чақалоқларнинг ўртача тана вазни 2,48±0,85 кг, гестация муддати 37,4±2,91 ҳафтани ташкил қилди. Шунингдек, етук туғилган чақалоқлар (n=61; 67,0%) ҳиссаси чала туғилганлардан (n=30; 33,0%) кўра кўпроқ бўлган.

Анестезиологик таъминот турига кўра беморлар икки гуруҳга ажратилди. Назорат гуруҳини 2015-2019 йилларда тотал вена ичи анестезияси ва опиоидларга асосланган анъанавий усул қўлланилган 54 нафар чақалоқлар, асосий гуруҳни эса 2020-2024 йилларда мультимодал анестезия компоненти сифатида ультратовуш навигацияли парааксиал ESP-блокада чақалоқлар ташкил қилган.



Тадқиқот дизайни 1-расмда келтирилган.

1-расм. Тадқиқот дизайни

Тадақиқот усуллари умумклиник текширувлар, лаборатор таҳлиллар, инструментал диагностика, перооперацион мониторинг ҳамда модификация-ланган NIPS-M (Neonatal Infant Pain Scale - Modified) шкаласи асосида постоператив оғриқни баҳолашни ўз ичига олди. Модификация сифатида шкаланинг “йиғи” компоненти “нафас зўриқиши”, “нафас” компоненти эса “вентилятор синхронлик” сифатида қайта интерпретация қилинди, яъни кўкрак қафасининг қўшимча ҳаракатлари ва экспиратор қаршилиқ каби белгилар орқали баҳоланди Бу ҳолат оғриқ таъсирида юзага келадиган респиратор дискомфортнинг клиник ифодаси сифатида қаралди (2-жадвал).

2-жадвал

NIPS-M (Neonatal Infant Pain Scale-модификация) оғриқни баҳолаш шкаласи


№	NIPS кўрсаткичлари		Балл
1	Юз ифодаси	Хотиржам	0
		Қош чимирилиши, ижирғаниш	1
		Яққол гримаса	2
2	Нафас зўриқиши	Иўқ	0
		Эндотрахеал найчага реакция, эпизодик безовталиқ	1
		Яққол зўриқиш, СУВ гакескин қаршилиқ	2
3	Вентилятор синхронлик	Тўлиқ синхрон	0
		Енгил асинхрония	1
		Яққол асинхрония	2
4	Қўллар	Релаксация	0
		Енгил тортилиш, ҳаракат реакцияси	1
		Мушти тугилган, тонусда, кескин ҳаракат	2
5	Оёқлар	Релаксация	0
		Енгил тортилиш, ҳаракат реакцияси	1
		Тонусда, тортишган ёки кескин ҳаракат	2
6	Фаоллик	Тинч, уйқуда	0
		Безовтаик, тез уйғонади	1
		Қўзғалиш, ажитация, рефрактер седация	2

Натижалар: 0-2 балл: оғриқ йўқ ёки енгил; 3-4 балл: ўртача оғриқ - кузатув, зарур бўлса аралашув талаб қилинади; 5-7 балл: кучли оғриқ- зудлик билан аралашув талаб қилинади.

Лаборатор текширувлар гематологик, биокимёвий, гемостазиологик кўрсаткичлар, кислота-ишқор мувозанати ҳамда нейроэндокрин стресс-маркерлар - кортизол ва глюкоза

динамикасини қамраб олди. Инструментал текширувлар кўкрак ва қорин рентгенографияси, ички аъзолар ультратовуш текшируви ҳамда эхокардиографияни ўз ичига олди.

Анестезиологик таъминот техникаси гуруҳлар кесимида фарқ қилди. Назорат гуруҳида анестезия индукцияси кетамин ёки пропофолни вена ичига юбориш орқали амалга оширилиб, эндотрахеал интубация бажарилди. Анестезияни қувватлаш фентанил (бошланғич доза 3-5 мкг/кг) ва қўшимча болюслар ёрдамида, шунингдек O₂, севофлуран ва ардуан комбинацияси билан таъминланди. Асосий гуруҳда эса анестезия олди босқичида ультратовуш навигацияли парааксиал ESP-блокада бажарилди: «DAWEI-P 6» (Хитой) ультратовуш аппарати ёрдамида юқори частотали чизиқли датчик Th4 даражада жойлаштирилиб, игна «in-plane» техникасида m. erector spinae остига киритилди ва 0,25% ли бупивакаин эритмаси 0,5 мл/кг ҳажмда юборилди, манипуляция Th6 даражада ҳам такрорланди. Кейин трахея интубацияси амалга оширилиб, анестезияни қувватлаш O₂, севофлуран ва ардуан комбинацияси билан таъминланди, фентанил эса фақат зарурат бўлганда 1-2 мкг/кг дозада қўлланилди (2-расм).



2-расм. Асосий гуруҳ чақалоқларда ESP-блокада техникаси

Гемодинамик мониторинг операция давомида беш босқичда узлуксиз амалга оширилди: I - анестезия индукцияси, II - торакотомия, III - максимал жароҳатли босқич, IV - операция якуни, V - реанимация ва интенсив терапия бўлимига ўтказиш босқичи. Ҳар бир босқичда юрак уришлар сони, артериал босим ва кислород сатурацияси динамикаси баҳоланди, барча кўрсаткичларнинг қиёсий таҳлили шу босқичлар кесимида амалга оширилди. Қондаги глюкоза миқдори операциядан олдин, максимал жароҳатли босқичда ва операциядан 24 соат кейин текширилган бўлса кортизол миқдори 2 та нуқтада, операциядан

олдин ва 24 соатдан кейин таққосланди.

Статистик таҳлил SPSS 26.0 дастурида амалга оширилди. Гуруҳлар ўртасидаги фарқларни баҳолашда Стъюдент t-тести, Mann–Whitney U-тести ва χ^2 -тест қўлланилди, динамик кўрсаткичларни таҳлил қилишда дисперсион таҳлил (ANOVA) дан фойдаланилди. Яшовчанлик таҳлили Каплан-Мейер усули ва Mantel-Cox (log-rank) тести орқали ўтказилди, омиллар таъсирини баҳолашда логистик регрессия модели қўлланилди. Барча ҳолатларда статистик аҳамиятлилик мезони сифатида $p < 0,05$ қабул қилинди.

Диссертациянинг «Қизилўнгач атрезияси бўлган чақалоқларда ўтказилган операцияларда анестезиологик таъминотнинг клиник-лаборатор натижалари» деб номланган учинчи боби беморларнинг операциягача бўлган клиник-лаборатор ҳолатини, интраоператив давр натижаларини ва операциядан кейинги даврдаги клиник кўрсаткичларнинг батафсил таҳлилинини ўз ичига олади. Тадқиқот гуруҳларида ҚА учраши ва хавф омилларининг демографик таҳлили таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, бола жинси, туғилгандаги тана вазни, онанинг ёши ва ҳомиладорлик сони ҚА ривожланиши билан статистик аҳамиятли боғлиқликка эга. Ушбу омиллар ҚА ривожланиш эҳтимолига турлича даражада таъсир кўрсатиши аниқланди ва улар муҳим эпидемиологик детерминантлар сифатида баҳоланди. Клиник-анамнестик маълумотлар таҳлили марказга йўналтирилишидан олдин 91 нафар чақалоқдан 31 нафаридан барқарорлаштириш чоратадбирлари тўлиқ ҳажмда ўтказилмаган, 53 нафаридан эса улар умуман амалга оширилмаган (3-жадвал).

3-жадвал

Тадқиқот гуруҳларидаги чақалоқларнинг госпитализациягача бўлган даврдаги умумий клиник кўрсаткичлари (абс., %)

Клиник кўрсаткич	Назорат (n=54)	Асосий (n=37)	Жами (n=91)	p
Оғир ҳолат (SNAP-II ≥ 30)	38 (70,4)	24 (64,9)	62 (68,1)	>0,05
II др. нафас етишмовчилиги	24 (44,4)	16 (43,2)	40 (44,0)	>0,05
Гипотермия (<36,0°C)	21 (38,9)	13 (35,1)	34 (37,4)	>0,05
